



20 20 у « 22» октябрь

№ Қ-588

« \_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ г

**Қумқўрғон туманидаги С.Бойматов СИУ  
“Тулистон” маҳалласи худудидан “Surxon bog’  
kompleks” МЧЖга ғалла-сабзавотчилик ва  
чорвачилик йўналиши учун ер майдони  
ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 05 октябрдаги 05-02/713-сон йиғилиш баёни ва Қумқўрғон туман ҳокимининг 2020 йил 18 сентябрдаги 229/01-36-сон хатини кўриб чиқиб,

### **Қ А Р О Р   Қ И Л А М А Н :**

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 05 октябрдаги 05-02/713-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Қумқўрғон туманидаги С.Бойматов СИУ “Тулистон” маҳалласи худудидан “Surxon bog’ kompleks” МЧЖга ғалла-сабзавотчилик ва чорвачилик йўналиши бўйича туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалиги харитасининг 1387, 1394, 1398а, 1403, 1405, 1405бк, 1405а, 1412 ва 1412а-дала контурларидаги жами 138,90 гектар, шундан 133,80 гектар бўз ер, 4,60 гектар ариқ ва зовурлар ва 0,50 гектар йўллар билан банд бўлган ер майдонлари доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Қумқўрғон тумани ҳокимлиги (Р.Гаппаров) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов